Turmush chorrahalarida

# ИНСОНИЙЛИК ҚИССАСИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

1960 йилда қадрдон қишлоғига қайтиб келган Калонни қариндошлари ҳам, ҳамқишлоқлари ҳам совуқ кутиб олишди. Унинг асирликдан қочгани тўғрисидаги ҳикоясини ўзини оқлаш учун тўқиб чиқарилган чўпчак, деб баҳолашди. Ёшига нисбатан анча қари кўринадиган бу йигит оқсоқ бўлишига қарамай сувчилик қила бошлади. Бу хўрликларга қачонгача чидашини ўзи ҳам билмасди. Жигарчилик экан, қариндош-уруғлар ҳам бу етим йигитнинг ҳовли-жой қилишига кўмаклашишди. Ўзига ўхшаган етим қиз Солиҳани учратиши эса Калонни батамом ҳаётга қайтарди.

Йиллар ортидан йиллар ўтди. Улар бир ўғил, бир қиз фарзанд кўришди. Калон бора-бора ҳассага суяниб қолгач, эр-хотин уйда нонвойхона очишди.

Фарзандлар улғайган сари Калоннинг кўнглини ғаш қилган ғам юки ҳам каттариб бораверди. "Сотқин, хоиннинг фарзанди эканини бир куни улар билиб қолишса, нима деб жавоб бераман", деган ўй унга сира тинчлик бермасди.

Ана шундай кунлардан бирида юз берган бир воқеа унинг ҳаётини батамом бўлмаса-да, ҳарқалай ўзгартириб юборди.

**III. УЧРАШУВ**

Одатдагидай, кечқурун оиласи билан телевизор томоша қилиб ўтирган Калон бобо кутилмаганда экрандаги таниш чеҳрага кўзи тушди. Бироқ эътибор бермади "Бу дунёда одамдан кўпи борми?", деб қўйди. Кейин ҳамма эшитадиган қилиб, "Мен билан асирликдан қочган Муслимга жуда ўхшар экан-да", деди хотиржам чой хўпларкан.

— Унинг исми ростдан ҳам, Муслим, — деди ўғли Ғулом бепарволик билан. — Бироқ сиз айтган одам бу бўлмаса керак.

— Тўғри, орадан шунча йиллар ўтиб кетди-ю, — деди отаси, — Лекин кўзи, қараши жуда ўхшар экан-да.

— Оббо, у бўлиши мумкин эмас, — деди энсаси қотиб Ғулом, — Ахир, Муслим Эшматовни ким танимайди, дейсиз...

— Тўхта-чи, ўғлим, — деди энди бир нарсани сезгандай пиёлани хонтахтага қўйган отаси, — менинг кўзим ўтмаяти, мабодо чап қошининг ёнида чандиғи йўқми?

— Ҳа, чандиғи бор.

— Тўхта, тўхта, — деди энди хонтахтага таяниб ўрнидан турган Калон бобо, — овози ҳам уникига қуйиб қўйгандай ўхшайди. Тушимми-ўнгимми, мен Муслимни топдим.

Шу тун Калон бобонинг кўзига уйқу келмади. "Менинг сотқин эмаслигимни исботлайдиган одамни худонинг ўзи етказди. Бунинг устига, уруш қаҳрамони бўлса. Хайриятки, кексайганимда тортган азобларимдан қутуладган бўлдим", деб ўйларди у.

Орадан уч кун ўтгач, Калон бобо хотини билан туман газетаси мухбири ёллаган машинада йўлга чиқишди. Мухбир роса газетбоп учрашув бўлади деб, фотоаппаратни бўйнига осиб олганди.

Улар уруш қаҳрамонининг уйини қийналмай топишди. Икки қаватли уйнинг маҳобати меҳмонларни бироз довдиратган бўлса-да, бўлажак қувончли учрашув олдидан юраклари ҳаяжонда эди. Бошқалар тортиниб тургани учун Калон бобо ҳассасини дўққилатиб бориб, дарвоза қўнғироғининг тугмачасини босди. Ичкаридан оппоқ дўппи кийиб олган уй эгаси чиқди-да, турган жойида Калон бобога тикилганча қотиб қолди.

Телевизорда кўришгани учун уни дарров танишди. Бу Муслим ота эди.

— Ўзим ҳам мени кўриб, қувонганидан оғзи ангрaйиб очилиб қолса керак дегандим, ана айтганимдай бўлди, бормисан? — Калон бобо ҳассасини ҳам ташлаб дўстининг бўйнига осилди. Бироқ ўзига келган Муслим ота меҳмоннинг қўлини силтаб ташлади. Агар бу ҳолатни суратга олаётган Темир ака Калон бобони суяб қолмаганда унинг йиқилиб тушиши аниқ эди.

— Дабдурустдан келиб бўйнимга осиласиз, кимсиз ўзи? — деди у жаҳл билан.

— Мен сержант Калонман, танидингизми? — хафачиликни унутиб тушунтира кетди меҳмон, — Барановичи қишлоғида бирга асир тушгандик. Кейин отишга олиб кетаётганида, иккаламиз ҳам сувга сакрадик. Эсингизга тушдими?

Бироз каловланиб турган Муслим ота тилга кирди: — Нималар деб валдираяпсиз, мен ҳеч қачон асирга тушмаганман.

— Ия, нега ундай дейсиз, — деди энди саросимага тушган Калон бобо унинг қоши ёнидаги чандиққа тикилганча, — Урушдан олдинги чандиқми, бир хотирлаб кўринг.

— Урушдан олдинги чандиқ бўлса нима қилибди? — деди Муслим ота зарда билан. — Барановичда бир мен бўлмаганман, ахир? Танимасам ҳам сизни танидим дейишим керакми?

— Ўзбекчиликда меҳмон уйга таклиф қилинарди, — деди суратга олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай иккиланиб турган Темир ака.

— Ўзбекчиликда танимаган одам ичкарига киритмайди, — деди Муслим ота баттар зарда билан, — сиз эса рухсатсиз суратга олсангиз, огоҳлантириб қўяй, фотоаппаратингиздан айрилиб қоласиз.

— Балки мен ростдан ҳам, адашгандирман, — деди ҳафсаласи пир бўлган Калон бобо хотинига жавдираб қарар экан. Кейин эса Муслим отага юзланиб, "ортиқча ташвишга қўйганим учун узр", деди.

– Умрим азоб билан ўтди, — деди Калон бобо машина турган томонга аста одимларкан, — энди буёғи умрнинг охири ҳам кўриниб қолди. Ўзимни оқлашга охирги умид ҳам чиппакка чиқди, аттанг...

Калон бобо уйга келгач, шу қўйи кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Бир йил деганда чол яна оёққа туриб кетди.

Уни тақдир истиқлол кунларига етказди. Калон бобо сотқин деган тавқилаънатдан расман халос бўлди. Туман ҳокими унга "Иккинчи жаҳон уруши" қатнашчиси дафтарчасини топширар экан, узоқ вақт бағрига босиб турди. Унга сўз беришганда ҳаяжон билан минбарга чиқиб, шундай деди:

— Тақдир мени сийлаган экан. Энди дунёдан армонсиз ўтадиган бўлдим. Истиқлолимиз дунё тургунча турсин...

**IV. КЕЧИКИБ УЗИЛГАН ҚАРЗ**

Орадан роппа-роса бир ой ўтиб, умрида биринчи марта кексалик нафақасини олган куни Калон бобо бандаликни бажо келтирди. Бу матонатли инсонни сўнгги йўлга кузатиш учун тумонат одам йиғилди. Дафн маросимининг учинчи куни ҳовлига бошқалар қатори кириб келган қарияни Ғуломжон дарров таниди. Бу ўша Муслим ота эди... Муслим ота Ғуломжонни четга чақириб, қўлига бир парча хатни топширди.

– Отангиз мард одам эди. Мен унга хиёнат қилдим. Ҳақиқатан ҳам, у билан бирга асирга тушган, сўнг қочган эдик. Отангиз ҳеч қандай хоин эмас. Фақат мен унга хиёнат қилдим. Онангизга айтинг, мени кечиролса, кечирсин...

Елдай учиб кетаётган машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Муслим ота узоқ йиллар юрагини кемириб келган дарддан халос бўлгандек, енгил нафас олаётган эди...

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Oqillar tadbiri

# МАНТИҚ ИЛМИ СУЛТОНИ

***Халқимиз орасидан етишиб чиққан не-не улуғ зотлар ўзларининг тафаккур тарзи, салоҳияти ва илмий қобилияти билан дунё маданияти ривожини ибтидоий босқичдан тараққиёт даражасига кўтаргани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам юртимиз дунё аҳли томонидан цивилизация бешикларидан бири, дея эътироф этилган.***

***Ана шундай алломалардан бири Абу Наср Форобий саналади. Қуйида аллома бобомизнинг ҳаёти билан боғлиқ ибратли бир воқеани эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.***

Абу Наср Форобий мантиқ, мусиқа ва бу иккала фандан ташқари яна бир қанча соҳаларга оид асарлар муаллифи ҳамда мусулмонларнинг энг йирик файласуфларидан саналади. Ҳеч ким бу кишичалик илм-фан даражасига эришолмаган. Бу киши аслида турк бўлган, ўз юртида туғилиб ўсган. Кейин у ўз юртидан чиқиб, бошқа ўлкаларга саёҳат қилишга тушади, ҳатто Бағдод шаҳрига етиб келади. Шу пайтда у турк тили билан бир қаторда, араб тилидан ташқари, бир неча тилларни биларди. Абу Наср Бағдодда араб тилини ўрганишга киришиб, уни жуда мукаммал билиб олади. Кейин бу тил орқали у ҳикмат — фалсафий илмларни ўрганишга тушади.

Абу Наср Бағдод шаҳрига борган кезларда машҳур ҳаким Абу Бишр Матто Юнус ўша ерда экан. Бу киши мўътабар улуғ олим бўлиб, ундан одамлар мантиқ илмини ўрганар эди. Бу пайтда унинг шоншуҳрати баланд, теварак-атрофга донғи кетган эди. Унинг даврасида ҳар куни юзлаб мантиқ илмига киришганлар таълим олишарди. У Аристотелнинг мантиққа оид китобини ўқир ва шогирдларига уни шарҳлаб ёздирарди. Ҳатто у Арасту асарлари шарҳига оид етмишта китоб ёзди. У маҳалларда бу фанда унга тенг келадиган бирорта одам бўлмаган. У ўз таълифларида иборатларни чиройли ва равшан қилиб ёзар, иншоотларни эса назокат билан битарди, ўзиям содда ифодали, лўнда фикрли киши эди. Абу Наср бу кишидан мантиқ илмини ўрганади. Шунинг учун ҳам ҳатто бу фан аҳлидан бўлмиш бир файласуф "Менимча, Абу Наср Форобий иборатларида ўз фикрларини содда ва лўнда қилиб ифодалашни фақат ўша зикр қилинган Абу Бишрдангина ўрганган", дейди.

Абу Наср доимо ўз шогирдлари даврасида бўлар, улар йиғинларида қатнашар эди. Шу тариқа у бу ерда бир мунча вақт ҳаёт кечириб, кейин Ҳаррон шаҳрига йўл олади. Чунки, бу ерда насроний (христиан)лардан бўлмиш файласуф Юҳанно ибн Хийлон бор эди. Абу Наср бу олимдан мантиқ илми усулларини ўрганган. Кейин у Бағдод томонга қайтади ва у ерда фалсафа илмларини ўрганади. Арастунинг барча китобларини мутолаа қилади; улардаги нуқталар маъноларини ечишда ва муаллифнинг бу борадаги мақсадини ифодалашда бениҳоят маҳорат қозонади.

Айтишларига қараганда, Аристотелнинг "Жон ҳақида" асарининг Абу Наср мутолаа қилган нусхаси топилган. Ана шу китобда Форобий ўз қўли билан **"мен шу китобни юз марта ўқидим",** деб ёзиб қўйган экан. Бу олим тўғрисида нақл қилганларнинг гапига қараганда, Абу Наср Арастунинг "Физика" асарини қирқ марта ўқидим-у, лекин уни яна қайта ўқишим керак, дер экан.

Абу Наср Форобийдан шу нарсани ривоят қилишади,

Бир гал ундан:

— Фалсафа соҳасида ким ўткир — Сизми ё Арасту? — деб сўрашибди.

Шунда Абу Наср савол берганга жавобан:

— Агар мен у кишининг қўлида таълим олишга муяссар бўлганимда эди, у ҳолда мен унинг энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлурдим, — дебди.

Абу Наср мантиқдаги беш моддани ўз асарларида очиқ-ойдин қилиб ифодалади ва уларни ишлатиш йўлларини тушунтириб берди. Мана шу беш модданинг ҳар бирида қиёс сўврати шаклини қандай ишлатиш кераклигини англатди. Мана шундай бўлгани учун унинг китоби бу фан соҳасидаги ғоят етук, ниҳоятда (ягона) саналади.

Ундан ташқари, Абу Насрнинг "Илмларни ҳосил қилиш ва унинг мақсадларини тушунтириш" тўғрисида қутлуғ китоби бор. Бундай асар ёзишда ундан ҳеч ким ўзиб кетолмаган, ҳатто бу хил фикрларни унгача ҳеч ким айтолмаган ва у етишган даражага етишолмаган; толиби илмларнинг ҳаммаси ҳам унинг бу тутган тўғри йўлидан фойдаланмай қолмаган".

Абу Наср Бағдоддаги чоғларида мантиқни чуқурроқ ўрганишга киришади. Натижада у бу соҳада замондошлари орасида тенги йўқ даражага етишади. Абу Наср ўзининг кўпчилик асарларини худди мана шу ерда ёзади. Кейин у ердан Дамашқ томон сафар қилади. У ерда ҳам кўп турмай, Мисрга йўл олади.

Абу Наср Дамашққа келгач, Сайфуддавланинг ҳузурига киради. Амир, одатига кўра, теварагига олиму фозилларни тўплаб, суҳбатлашиб ўтирган экан, Абу Наср амир даргоҳига кириб келганида у ўзининг турк кийимида бўлади, одати бўйича у доим шу кийимида юрар эди. У аста ичкарига кириб келади-да, амирга юзланиб типпа-тик туриб қолади. Шунда амир унга қараб:

— Ўтир! — дейди.

Абу Наср:

— Қайси жойга, ўз даражамга қарабми ё сен айтган жойга ўтирайми? — дейди.

— Ўз даражангга қараб ўтир, — дейди Сайфуддавла.

У дадил юриб, тўрга равона бўлади, тўғри Сайфуддавла ўтирган курси олдига келиб тўхтайди. Ҳатто амирни ўтирган жойидан сал нарига суриб ҳам юборади.

Одатда, Сайфуддавланинг ҳузурида мамлуклар — хизматкорлари ҳозиру нозир бўлгувчи эди. Амир бўлса, кўпчилик одамлар олдида гапириб бўлмайдиган бекитиқчи гапларини ўзи ва ўша хизматкорлари биладиган махсус тилда гаплашарди. Бу тилни улардан бошқа ҳеч ким билмас эди. Шунда амир ўша тилда ўз одамларига қараб:

— Қандай беодоб чол экан! Ҳай, майли, мен ундан баъзи нарсаларни сўрайман, агар тўғри жавоб беролмаса, боплаб адабини бериб қўясизлар, — дейди.

Амир шундай дейиши билан Абу Наср ўша тилда унга қараб:

— Э амир, бироз сабр қил, чунки ҳар бир ишнинг оқибатига қараб ҳукм чиқарилади, — деди.

Абу Насрнинг бу гапидан Сайфуддавла даҳшатга тушади, кейин унга:

— Бу тилни биласанми? — дейди.

Абу Наср унга жавобан:

— Ҳа, — дейди, — мен етмишдан ортиқ тил биламан.

Абу Наср шу гапини айтиши билан амир унга бошқача қарай бошлади ва ҳозир бўлган олимлар билан ҳар хил фанлардан гаплашиб кетди. Шунда Абу Насрнинг ҳар жиҳатдан устунлиги аён бўлади, бора-бора йиғилганларнинг кўпчилиги суҳбатни тўхтатиб, жим қоладилар, фақат Абу Насргина суҳбатни давом эттирар эди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир гапни мажлис аҳли ёзиб олар эдилар. Охири Сайфуддавла олимларни жўнатиб юбориб, Абу Наср билан ёлғиз қолади. Амир ўз суҳбатдошига қараб:

— Бирор нарса ейишга қалайсан? — дейди.

Абу Наср унга:

— Ҳеч нарса емайман, — дейди.

— Бирор нарса ичишга-чи? — дейди амир.

— Йўқ, — дейди Абу Наср.

— Бўлмаса, бирор ширин куй эшитишга рағбатинг борми? — дейди амир.

— Ҳа, бор, — дейди Абу Наср

Сайфуддавла мутрибу машшоқларни чақиртиради.

Чорланган машшоқлар қайси куйни машқ қилса, Абу Наср, сен фалон жойда пистон хатога йўл қўйдинг, деб унинг камчилигини кўрсатиб турарди. Буни кўриб, Сайфуддавла Абу Насрдан «Бу санъатдан ҳам хабаринг борми, дейман», деб сўрайди.

— Ҳа, — деди Абу Наср. У шундай деди-ю, белидаги тўрвасини очиб, ундан бир неча чўп олди, уларни бир-бирига улади, сўнг чалиб машқ қила бошлаган эди, даврада ўтирганлар ўзларини тутолмай кула бошлашди. Кейин олим ўша чўпларини бошқача қилиб бириктириб чалган эди, йиғилганлар пиқ-пиқ йиғлашга тушишди. Олим чўпларни бошқача тартибга солиб чалган эди, амирдан тортиб дарвозабонгача ҳамма донг қотиб ухлаб қолди.

Абу Наср эса фурсатдан фойдаланиб саройдан чиқиб кетди.

**Дилноз МУРТАЗАЕВА**
**тайёрлади.**

Charxi kajraftor

***Кўпчиликнинг кўз олдида жиноятчи деганда қаҳри қаттиқ, айёр ва ёвуз кимса гавдаланади. Бу тўғри. Лекин баъзан жиноятчилар орасида ўта лақма, ишонувчан ва содда кимсалар ҳам учраб туради. Бундай жиноятчиларнинг лақмалиги одатда, ўзлари қўл урган жиноятни очишга асосий омил бўлади. Бунга ҳаётдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Қуйида ана шундай ғайритабиий жиноятлар ҳақида ҳикоя қилинади.***

# СОДДАЛИКМИ ЁКИ ЛАҚМАЛИК?

АҚШда бир йигитча қўлида қурол билан магазинга бош суқди-да, таҳдид аралаш сотувчидан пул талаб қила бошлади. Сотувчи ҳам қўрқиб кетганиданноилож унинг талабини бажарди. Жиноятчи нияти амалга ошганидан қувониб, қўлга киритган пулларни сумкасига жойларкан, сотувчидан яна бир шиша виски беришни сўради. Сотувчи эса, унинг сўровига жавобан, бизда вояга етмаганларга спиртли ичимлик сотилмайди, деди жиноятчининг ёшига ишора қилиб.

Жиноятчи ўзининг ёшига шубҳа билан қараётганини англаб бирдан қизишиб кетди ва у вояга етганини исботлаш мақсадида, чўнтагидан ҳайдовчилик гувоҳномасини чиқарди-да, сотувчига кўрсатди...

Шундан сўнг сотувчи бир шиша вискини зудлик билан жиноятчининг қўлига тутқазди. Бироқ у қўлга орадан бир соат ўтиб-ўтмай олинди. Чунки жиноятчи ўзининг ёшини исботлаш учун ҳужжат кўрсатганда сотувчи унинг исм-шарифи ва яшаш манзилини ёдида сақлаб қолган эди...

* * *

АҚШ сингари ривожланган давлатда ҳам жиноятчиликнинг турли хил кўринишлари содир этилиб турилади. Шулардан бири машина ўғирлаш жиноятидир. Ўғрилар томонидан олиб қочиб кетилган машинанинг эгаси бўлган аёл полиция маҳкамасига келиб, воқеа ҳақида хабар берар экан, қўл телефони ҳам машинасида қолиб кетганини айтди. Буни эшитган полиция ходими ғалати йўл тутди: у ҳалиги қўл телефонга қўнғироқ қилди. Машинани ўғирлаб кетаётган жиноятчи кутилмаганда телефонни олди. Полиция ходими ўзини эълон бўйича телефон қилаётган харидорман, деб таништираркан, машина сотиб олиш нияти борлигини айтди. Жиноятчи эса ўғирлаган машинасини қандай қилиб, пулласам экан, деб ўтирганмикан, дарров "харидор"га машинамни сотаман, учрашайлик, дея таклиф қилди.

Қисқаси, уларнинг бири машинани сотадиган, иккинчиси эса оладиган бўлди. Шундан сўнг улар аниқ бир учрашув жойини белгилашди. Бироқ учрашув жойига етиб келган жиноятчини харидор эмас, полиция ходимлари қарши олди...

* * *

Эндигина жиноят йўлига кирган бир ўғри банкни ўмариш ниятида "Bank of America"нинг офисига киради. У банкнинг махсус қоғози (бланка)ни олиб, ўзининг барча талабларини қатъий тарзда дўқ уриб ёзди. Лекин қараса, банк кассаси олдида одамлар жуда тирбанд бўлиб, унга ҳали-бери навбат етиб келадиганга ўхшамайди. Кутишга сабри чидамаган ўғри бу ердан унга узоқ бўлмаган "Wells Fargo Bank"и томон йўл олади. Бу банкда мижозлар жуда кам эди. Шунинг учун ўғри касса олдига бориб, ўзининг талаблари ёзилган бояги қоғозни кассир хотинга тутди. Кассир хотин анча ақлли эди. У ўғрининг таҳдид билан ёзилган талабномасини ўқиб чиқиб, нима гап эканини дарров тушунди. Лекин сир бой бермади. Фақат у бу ҳужжатни қабул қила олмаслигини, чунки бу бошқа банкнинг махсус қоғози (бланкаси) эканини айтди.

Табиийки, буни эшитиб, ўғрининг хуноби ошди. Бироқ унга кассир хотиннинг фикрлари тўғридек туюлди. Шунинг учун у кассир хотиндан ўзининг талабномаси битилган бояги қоғозни қайтариб олди ва шошилган қуйи яна биринчи банкка йўл олди. Уни шу ерда қўлга олишди...

**Нурмуҳаммад ЖУМАҚУЛОВ**



*Куз манзаралари*

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Sog`lom avlod tarbiyasi

# АВЛОД БАРКАМОЛЛИГИ АСОСИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Ёки баъзи аёллар тўй бўлиб ўтгач, эрлари гиёҳванд модда истеъмол қилишини сезиб қолгани ва шунинг учун ажралишга мажбур бўлганини айтишади.

Бироқ бундай никоҳлар қонуний бекор қилинганга қадар оилада ногирон фарзандлар туғилиши мумкин. Бундан ташқари, никоҳдан ўтаётганларнинг бири сил, таносил ёки СПИД касаллигига чалинган бўлса, табиийки, бу ҳол нафақат оилани барбод қилади, балки заиф ва ногирон болалар дунёга келишига сабабчи бўлади. Бу эса ўз навбатида жамиятда бошқа муаммоларни юзага келтиради.

Қисқаси, ана шундай муаммо ва иллатларга бутунлай барҳам бериш мақсадида 2004 йил 1 январдан беш хил касалликлар юзасидан тиббий кўрикдан ўтиш мажбурий эканлиги белгилаб қўйилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега энди айнан шу беш хил текширувлар ўтказилиши зарур деб топилди?

Бу саволга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, эпилепсия, олигофрения ва шизофраник, шунингдек, наркологик, сил, таносил ва СПИД касаллиги қон орқали ота-онадан фарзандга ва авлоддан-авлодга ўтиб, майиб-мажруҳ, ногирон фарзандлар туғилишига олиб келиши аниқланган.

Шу ўринда юқорида таъкидланган қарор ва низом ижросига бевосита алоқадор ходим сифатида мен амалда Низом амалга жорий этилганга қадар ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Албатта, тиббий кўрикдан кимлар ва қаерда ўтиши лозимлиги барчани қизиқтирса керак. Низомнинг 2-бандига кўра, унинг амал қилиши, никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъий назар мамлакатимиз ҳудудидаги ФҲДЁ идоралари томонидан қайд этилаётган барча никоҳларга жорий этилади. Оила Кодексининг 17-моддаси янги таҳририда умумий равишда "никоҳланувчи шахслар" ҳақида сўз юритилган.

Лекин "никоҳланувчи шахслар" деганда биринчи марта қонуний никоҳдан ўтаётган ёшлардан ташқари тўйлари бўлиб ўтган ва шаърий никоҳ асосида оила қуриб, муносабатлари қонунлаштирилмаган, кўп ҳолатларда фарзанд кутаётган ёки фарзанди бўлган, узоқ вақт давомида эр-хотинлик муносабатларида бўлган ва ёши катта, иккинчи ёки учинчи марта қонуний никоҳдан ўтаётган шахслар ҳам назарда тутилади.

Шу ўринда Оила Кодексининг 18-моддасида қонунда белгиланган 1 ойлик муддатни қисқартириш ва алоҳида ҳолларда никоҳни ариза берилган кунда қайд қилиниши мумкин деб кўрсатилганлигини эътиборга олиш зарур.

Ўз-ўзидан савол туғилади: шу тоифадаги никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтадими ёки 13-модда асосида кўрикдан озод этиладими?

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 2-иловаси билан "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"нинг 88-бандига ўзгартишлар киритилиб, "тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бўлмаганда никоҳни қайд этишга йўл қўйилмайди" деб белгиланди. Бундай ҳолатда Оила кодекси, низом ва қоидаларга киритилган ўзгартишлар ўртасидаги тафовутларни 2004 йил 1 январгача бартараф этиш зарур. Бунинг учун Оила Кодексининг 17-моддасини "кодекснинг 13-моддаси, IV ва V-қисмларда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно" деб тўлдириш ёки бу қисмларни 13-моддадан чиқариб ташлаб, кодекснинг 16-моддасига никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар жумласига тиббий кўрикдан ўтмаганлик ҳолатини киритиш ва шуларга кўра қоидаларнинг 88-банди талабларини мувофиқлаштириш лозим, деб ўйлайман.

**Дилзода МУТАЛОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Jinoyat va jazo

***Сариосиё туманидаги Г.Хидиров номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган Холбобо Кўчаров гарчи ёши бир жойга бориб қолганига қарамай одамларнинг ишончига кириб, уларнинг мол-мулкига эгалик қилишни кўзлади.***

# ФОШ ЭТИЛГАН ФИРИБГАРЛИК

Ўтган йил қишнинг аёзли кунларидан бири эди. Холбобо Қумқўрғон туман бозорида изғиб юрди. У синчиклаб, шошилмасдан тижоратчилар савдоси билан қизиқди. Ўзига турли хил режалар тузган бўлди. Кейин бозор чеккасида гилам сотаётган Ойнахол Турдиаминовага рўбарў келди:

— Мен ҳам тижоратчиман, опажон — деди у. — Қараб турсам, Қумқўрғон бозорида гиламнинг харидори унчалик кўп эмас экан. Хўп десангиз, барча гиламларингизни кўтарасига мен оламан, Сариосиёга олиб бориб, пуллайман, — деди у.

Савдоси юришмай Ойнахол опа оёғи тагидан чиқиб қолган харидорнинг таклифига дарров рози бўлди. Шундай қилиб О.Турдиаминовага тегишли 650 минг сўмлик 40 дона гилам, 8 дона турли хил паласни "Дамас" русумли машинага юклаган Холбобо Кўчаров ўзаро келишилган савдо пулини насия қилиб, уйига қайтди. Бир ҳафта ичида 650 минг сўм пулни хусусий тадбиркорга етказишни ваъда қилган Холбобо шу бўйи қорасини кўрсатмай кетди. Уни излаб уйига борган Ойнахол опамиз ҳам Қумқўрғондан узоқ Сариосиё туманига кунора қатнайвериб ҳолдан тойди. Ахийри, у алданганлигини сезгач, туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Бир ҳафталик муддат йилга чўзилиб иш судга борганда ўз ҳақини базўр ундириб олди.

Ўтган йилнинг сентябр ойида Денов туман Афросиёб қурилиш моллари бозорида Холбобо Кўчаров тадбиркор Алижон Мирзаевни учратиб қолди. Алижон Мирзаев цемент савдоси билан шуғулланиб турган эди.

— Ака, агар рози бўлсангиз, цементининг харидорини бирпасда топиб бераман, — деди мулойимлик билан.

— Шундай қилинг, дўстим. Молни тезроқ сотиб олишим керак. Билишимча, сиз ҳам менга ўхшаган тадбиркорга ўхшайсиз. Келишайлик, хизматингизни қуруқ қолдирмайман, — дея, Алижон ака ҳамкорликка рози бўлди.

Ўзаро келишувга биноан ҳар бир килограмми 36 сўмдан нархланган 50 тонна цементни кира юк машинасига юклаган Холбобо Кўчаров молнинг пулини насия қилганича Сариосиё томон қушдай учди. Орадан ҳафта, ой ўтди. Ҳар гал пулини сўраб уйига келган Алижон акани у "янаги ҳафта, албатта, олиб бораман, кўпчилик қисми қарзга кетган", дея қуруқ ваъда билан Денов томон кузатиб қўярди. Алижон ака қараса, ваъдаларнинг чегараси кўринмайди. Ахийри, ноилож қолгач, Сариосиё туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Ва бу қинғирлик судгача етиб боргандан сўнг А.Мирзаев 2 миллион 412 минг сўмлик цемент ҳақини зўрға фирибгардан ундирди...

Бу фирибгарлигидан хулоса чиқармаган Х.Кўчаров шу йил январ ойида яна Денов туманидаги мол бозорини оралаб қолди. Қараса, бозор катта-кичик мол билан тўла. У шошилмасдан бозорни айланиб чиқди. Унинг нияти соддадил одамларни ўз тузоғига илинтириш эди. Бир пайт у бозорнинг бир чеккасида Олтинсой туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигида яшовчи Анвар Норматовнинг катта ҳўкиз занжирини ушлаб турганини кўрди-ю, ўзини харидор кўрсатганича, отахон билан қуюқ саломалик қилди:

– Хўш, бобожон, ҳўкизни сотгани олиб чиққандирсиз? — деди у ўзини соддаликка солиб.

– Ҳа-да, болам. Пул заруp бўлиб қолди. Ҳўкиз ҳам пишиб етди ҳисоб, – дея жавоб қилди отахон.

– Қўлни ташланг, отахон, ҳўкизнинг нархини келишайлик. Қанча сўрайсиз? – деб савдолашган бўлди у.

– Арзи бозорда. Кўриб турибсиз, ҳўкиз етилиб бўлган. 1 миллион деб турибман. Агар оламан десангиз, савдонинг уёғи сиздан укажон!

Улар ўзаро кўп тортишдилар. Сўнг ҳўкизнинг нархи 900 минг сўмга келишилиб, пулини янаги ҳафта беришга келишиб, тилхат ҳам ёзилди. Бу сафар ҳам фирибгарлик ўз ҳунарини кўрсатган эди. Отахон Олтинсойдан Сариосиёга қатнайвериб, бетоб бўлиб қолди ҳам. Ҳар гал борганида, Холбобо "ҳўкизнинг гўштини насияга сотган эдим, пулини йиғиштиролмай гарангман. Янаги ҳафта ўзим уйингизга олиб бориб бераман", дея ваъдалар билан Анвар бобони алдаб юрди. Бу фиригарлик иши ҳам судга бориб тақалгач, ҳўкизнинг пули эгасига қайтарилди.

Яқинда бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди фирибгар Холбобо Кўчаровнинг барча қилмишларини фош этди. Суд ҳукмига кўра, алдов йўли билан қўлга киритилган ўзгаларнинг моли эгасига қайтарилганлиги, Х.Кўчаровнинг қарамоғида 7 нафар фарзандлар вояга етаётганли ҳисобга олиниб, унга 3 йилга ахлоқ тузатиш тайинланиб, шу муддатда ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Бу жазо Холбобонинг одамларни алдов йўли билан мол-мулкка эгалик қилиш нафсониятини кесган бўлса, ажаб эмас.

**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-918. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50